

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВ АВАЗБЕК РАВШАНБЕК ЎҒЛИ

**ТРАВМАТИК ИНТРАКРАНИАЛ ҚОН КЕТИШДА ИНТРАОПЕРАТИВ
МАХАЛЛИЙ ГЕМОСТАЗ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28-Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Мамадалиев Авазбек Равшанбек ўғли

Травматик интракраниал қон кетишда интраоператив махаллий гемостаз
усулини такомиллаштириш..... 3

Мамадалиев Авазбек Равшанбек угли

Совершенствование способа интраоперационного локального гемостаза
при травматических внутричерепных кровоизлияниях..... 33

Mamadaliyev Avazbek Ravshanbek ugli

Improving the method of intraoperative local hemostasis in traumatic
intracranial hemorrhage..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАДАЛИЕВ АВАЗБЕК РАВШАНБЕК УҒЛИ

**ТРАВМАТИК ИНТРАКРАНИАЛ ҚОН КЕТИШДА ИНТРАОПЕРАТИВ
МАХАЛЛИЙ ГЕМОСТАЗ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28-Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2023.3.PhD/Tib3923 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Давлатов Баходир Набижонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хазраткулов Рустам Бафоевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Кулдашев Кахрамон Абдухалилович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бош мия жароҳати (БМЖ) субарахноидал қон қуйилишнинг (САҚҚ) энг кўп учрайдиган сабаби ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, «...ҳар йили 69 миллион нафар инсонлар БМЖ ни олиб, бунда рўй берадиган САҚҚ, ривожланувчи неврологик ёмонлашиш ва касалланиш ҳамда ўлимга олиб келадиган ножўя прогностик омил...»¹ сифатида таърифланади. Даромад даражаси юқори бўлган мамлакатларда тахминан 18 миллион ҳолатлар қайд этилган бўлсада, даромад даражаси ўрта ва паст бўлган давлатларда БМЖ нинг 50 миллионга яқин ҳолатлари ҳисобга олинган. Травматик САҚҚ (ТСАҚҚ) ўрта ва оғир даражали БМЖда кўп учрайдиган топилма ҳисобланади, чунки беморларнинг 33-60 фоизида учрайди. Йўл-транспорт ҳодисалари, йиқилишлар БМЖга ёрдам берувчи асосий омиллар бўлиб, жабрланувчиларнинг аксарияти ёши 15 дан 44 гача бўлган, кучга тўлган, мамлакатнинг ялпи ички даромадига асосий ҳиссасини қўшаётган инсонлардан иборат.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда “тизимли бузилишлар”, асосан, гипотония, гипоксия ва гиперкапния ҳамда юқори ўлим даражаси ўртасида алоқани ўрганишга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, ушбу ҳолат оғир БМЖли беморларда травматик марказни кўчиришнинг муҳим ролини тасдиқлайди, бундан ташқари, айланаётган қон асосида, БМЖли беморларда неврологик натижалар ва ўлимни башоратларини яхшилаш имконини берувчи биомаркерларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда биомаркер сифатида глиал фибрилляр кислотали оқсилни аниқлаш энг истиқболли ҳисобланади; травматик ўткир субдурал гематомани жарроҳлик ва консерватив даволашнинг самарадорлиги юзасидан проспектив обсервацион қиёсий тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда хирургик даволашнинг замонавий усулларини тадбиқ этиш ва шошилишч тиббий ёрдам хизматини оптималлаштириш ҳисобидан бош суяги ичидаги қон қуйилишлари (БСИҚҚ) бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган муҳим чоралар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Жумладан, янги технологияларни қўллаган ҳолда БМЖ бўйича ташриҳ пайтида интраоперацион гемостаз самарадорлигини такомиллаштириш йўли билан ушбу масалаларни амалга ошириш, ушбу муаммонинг юқори клиник ва ижтимоий аҳамияти туфайли, нейрожарроҳлик ва бутун тиббиётнинг энг долзарб йўналишларидан бири деб ҳисобланади.

¹WHO. World health statistics, Griswold DP, Fernandez L, Rubiano AM. Traumatic Subarachnoid Hemorrhage: A Scoping Review. J Neurotrauma. 2022 Jan;39(1-2):35-48. doi: 10.1089/neu.2021.0007.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Механик жароҳат 45 ёшдан кичик бўлган шахслар ўртасида ўлимнинг етакчи сабаби бўлиб, умуман барча ёшлар ўртасидаги ўлимларнинг орасида тўртинчи ўринни эгаллайди (Alsulaim H.A., Smart B.J., 2021). Мазкур жароҳатларни муносиб даволаш учун алоҳида эътибор ва тиббий экспертизалар тақозо этилади; бош-мия жароҳатлари (БМЖ) нафақат 45 ёшдан кичик инсонлар ўртасидаги ўлимларнинг етакчи сабаби, балки, жароҳат олган шахслар ўртасида ўлимлар ва ногиронликнинг асосий сабабчиси ҳисобланади (Vella M.A., Crandall M.L., 2020). Тадқиқотлар кўрсатганидек, оғир БМЖда субдурал гематомалар (СДГ) эпидурал гематомалардан (ЭДГ) кўра кўпроқ учрайди (5:1), шу билан бирга енгил БМЖда бундай нисбат тахминан 3:1 ташкил қилади (Han J.X., Shibahashi K., 2021). Экстрааксиал гематомалар ўртасида энг ижобий башорат ЭДГларга тегишли. Ўлим даражаси 5,6%-10% чегараларида ўзгариб туради. СДГда периоперацион ўлим, яъни ташриҳдан кейин 30 кун мобайнидаги ўлим частотаси 11,5 дан 67,1%гачани, ўртача 38,4% ташкил қилади (Kuhn E.N., Egwood M.S., 2022). Энг кўп қўлланиладиган параметрларга, шу жумладан, зарарланиш даражаси, ёки жароҳат ва ташриҳ ўртасидаги вақтга, қарамасдан, энг кучли прогностик аҳамиятга эга бўлган омиллар клиник параметрлар билан ифодаланган (Глазго кома шкаласи бўйича бошланғич баҳо, нафас олиш частотаси, қондаги глюкоза даражаси, систолик босим, қонни кислород билан тўйиниши (сатурацияси), ўрта чизиқни силжиши ва гематома тури). Шундай қилиб, СДГ ҳолатида, башоратнинг статистик аҳамиятга эга бўлган омиллар, бу, беморнинг ёши, жароҳат механизми, гематома морфологияси, ГКШ бўйича периоперацион баҳо, мия шишининг аломатлари, ҳамда жароҳатни олиш ва ташриҳни ўтказиш ўртасидаги вақт (Tenovuo O., Diaz-Arrastia R., 2023). СДГ ҳолатида башоратга таъсир қилувчи асосий омил, ушбу вақт давомида ҳосил бўлган қуйқа массаси туфайли кейинги церебрал азоб чекиш эмас, балки, бевосита жароҳат оқибатидаги мия бирламчи шикастланишининг оғирлиги ҳисобланади. Бу нарса, жароҳатни олиш ва жарроҳлик аралашув

ўртасида энг кичик бўлган вақт оралиғига эга бўлган беморларда энг ёмон натижаларни кўрсатувчи “парадоксал” маълумотларда акс эттирилган (Karnjanasavitree W., Phuenpathom N., 2020). Ҳаттоки бош суяги ичидаги гематомалар ҳолатида ва бемор жароҳатни олганидан сўнг 4 соатдан кам бўлган давр давомида ташриҳ қилинадиган бўлса, унинг башорати яхшироқ бўлади. Шунинг учун, ГКС билан оғир жароҳат тезроқ ва инвазив ташриҳ билан боғлиқ. Бу нарса бош суягининг тез декомпрессив трепанация бажарилган беморларда энг ёмон башоратни тушунтиради. Кўриб чиқилган тадқиқотларнинг фақатгина иккитасида БМЖ вақтини ортиши, ташриҳ ва ножўя натижа ўртасидаги корреляция аниқланди (Gurer B., Kertmen H., 2020).

БМЖни даволашни асосий вариантларидан бири, бу жарроҳликдир. Замонавий нейрожарроҳликнинг ечилмай турган масалаларидан бири, ташриҳнинг асосий босқичи бажарилганидан сўнг гемостазга эришиш муаммоси ҳисобланади. Бу нарсани, мия тўқимаси соҳасида ортикча коагуляция ўтказиш, томирларни клипсалаш ёки лигировка қилиш, шунингдек, ўз таркибини узоқ вақт давомида сақлайдиган ва кўп ҳолатларда маҳаллий яллиғланиш жараёнини чақирувчи маҳаллий гемостатик воситаларидан фойдаланиш тавсия этилмаслиги билан тушунтирилади (Yatsushige H., 2021). Миянинг қаттиқ қобиғи томирларини коагуляция қилиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда қобиқ дарҳол деформацияланиб (бурушиб), унинг кейинчалик битишига тўсқинлик қилади. Ўргамчаксимон (арахноидал) гранулалардан қон кетиши одатда жиддий, ҳаттоки, уни тўхтатишнинг қийинлиги учун ҳавfli ҳам бўлади. Мазкур ҳолатларда маҳаллий гемостатик ёрдамида жароҳатни тез қуритиш оптимал кўринади (Manan Z., Rehman S.U. 2022). Ҳозирги кунда жаҳон бозорида, ҳар қил физик ва кимёвий хусусиятларига эга бўлган маҳаллий гемостатик воситаларнинг кўп сонли турлари мавжуд. Ҳар йили мазкур субстанцияларнинг хусусиятлари яхшиланиб келмоқда, антиген реакциясини истисно қилувчи, қисқа муддатда гемостазга эришиш, субстанцияни ташриҳ ярасининг қийин етадиган ҳудудларига осон етказиб бериш имконини берадиган комбинацияланган воситалар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, айрим камчиликлар уларни қўллаш пайтидаги муаммоларни туғдирадилар (Yang C., Huang X., 2021).

Адабиёт маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, БСИҚҚ-да оптимал жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш ва даволаш усулини танлаш масалалари ҳанузгача баҳсли муаммолар бўлиб қолмоқда. Нейрожарроҳлик даволаш ҳудудида мутлақ гемостазга эришиш учун усулни танлаш юзасидан жиддий келишмовчиликлар мавжуд. Даставвал, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар, маҳаллий гемостатик воситалар учун, гемостазнинг тез ва барқарор самарадорлиги, қўллаш ҳавфсизлиги ва, маҳаллий яллиғланиш жараёнини шаклланиш ҳавфини истисно қилиш учун мия тўқимасига нисбатан инертлиги, каби омилларни бирикишга қаратилган. Ушбу барча масалалар, тиббиётнинг турли соҳаларида, шу жумладан нейрожарроҳлик амалиётида, қўллаш учун янги ватан гемостатик воситаларни яратишга қаратилган тадқиқотларни давом эттиришнинг долзарблигини белгиламоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.2000.270-сон “Бош мия касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади травматик интракраниал қон кетишларда ташрих вақтида маҳаллий гемостазнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

травматик интракраниал қон қуйилиш ташхиси қўйилган ва операция қилинган бош мия жароҳати олган беморларда тиббий ёрдам кўрсатишнинг хусусиятларини баҳолаш;

травматик интракраниал қон қуйилишларда турли гемостатик воситалардан фойдаланган ҳолда гемостатик таъсирни қиёсий ўрганиш ҳамда жарроҳлик йўли билан даволаш туфайли яра жараёни кечиши хусусиятларини морфологик асослаш;

клиник тадқиқ қилиш мақсадида травматик интракраниал қон қуйилишларда жарроҳлик даволашда самарали маҳаллий гемостаз усулини ишлаб чиқиш;

травматик интракраниал қон қуйилишлар туфайли ўтказиладиган ташрихлар пайтида маҳаллий гемостазнинг тавсия этилган усули самарадорлигини клиник баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жароҳатдан кейин дарҳол, ёки санитария авиацияси йўналиши (“САС”) бўйича Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг (РШТЁИМ АФ) “Шошилинич нейрожарроҳлик” бўлимига олиб келинган ўткир бош-мия жароҳатини олган 184 нафар беморлар олинган

Тадқиқотнинг предмети бош мияда ташрихни ўтказиш пайтида янги “Хемобен” маҳаллий препаратининг гемостатик жиҳатдан самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал - ультратовуш, рентген, томография, экспериментал, морфологик, ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бош мия жароҳатларида “Хемобен” нейтрал биополимери жароҳат юзасида гемостатик таъсирни таъминлайдиган юпқа порлоқ қобик ҳосил қилиб, ёт жисм ва биодеградация маҳсулотларига жавобан реактив яллиғланиш жараёнисиз жароҳат маҳаллий репарациясини яхшилаши морфологик ва клиник жиҳатдан асосланган;

клиник текширув усуллари ва жарроҳлик даволаш натижалари сифатини таҳлил қилиш имконини берувчи маҳсус тадқиқотлар ёрдамида травматик интракраниал қон кетиш фонида юзага келадиган бош мия жароҳатлари бўлган беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

амалга ошириш қулайлиги билан тавсифланувчи ва шошилинич ёки режали операциялар пайтида нейрохирургия амалиётида фаол қўлланилиши

мумкин бўлган бош миянинг паренхиматоз ва қобиқли қон қуйилишларини маҳаллий гемостаз қилиш усули ишлаб чиқилган;

травматик интракраниал қон кетишда жарроҳлик даволаш натижаларини баҳолаш мезонлари (қон кетиш интенсивлиги, интраоператив гемостаз давомийлиги, умумий қон йўқотиш ҳажми, операциядан кейинги ярадан ажралмалар миқдорининг камайиши, реанимация бўлимида қолишнинг қисқариши, мия эзилишининг нейровизуализацион белгиларининг йўқлиги) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гемостазнинг таклиф қилинган усулини қўлланилишида қон кетиш жадаллиги анча пасайиб, бир босқичли мутлақ гемостазга эришиш частотаси 60,4%-дан 83,0%-гача кўтарилиши ($\chi^2=11,395$; $df=2$; $p=0,004$); гемостатик босқичларнинг сони 1,3 баробарга пасайиши ($t=3,74$; $p<0,05$); гемостаз учун қўшимча анъанавий воситаларни қўллаш зарурати 39,6%-дан 17,0%-гача камайиши ($\chi^2=15,717$; $df=3$; $p=0,002$); гемостаз бутун босқичининг давомийлиги $8,1\pm 4,9$ дан $4,9\pm 1,9$ дақиқагача пасайиши билан ($t=5,83$; $p<0,05$) гемостаз босқичидаги қонни йўқотиш ҳажми 1,3 баробарга камайиши исботланган;

“Хемобен” воситасини қўлланилиши, биринчи суткада дренаж бўйича ажратилаётган қон ҳажмини 1,5 баробарга ва иккинчи суткада 2,1 баробарга пасайтириб барқарор гемостатик самарани таъминлаши, умуман олганда, ташриҳдан кейинги шифохонада даволаниш умумий даврини $13,4\pm 3,0$ дан $12,5\pm 2,4$ суткагача қисқартириши аниқланган;

травматик БСИҚҚ-ларда гемостазнинг таклиф қилинган усули бажаришнинг осонлиги билан тавсифланиши ва нейрожарроҳлик амалиётида қўлланилиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳволини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатория ва инструментал диагностиканинг замонавий усуллари ва услубий ёндашувларни тўғри қўллаш билан асосланади. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда олинган маълумотлар бош суяги ичидаги қон қуйилишларда мия тўқималари ва мия қаттиқ қобиғининг морфологик хусусиятлари, маҳаллий гемостатик воситаларни қўллаш туфайли тўқималарнинг фаол яллиғланиш реакциясини ривожланиш механизми ва миянинг шиши ҳақидаги мавжуд бўлган тушунчаларни кенгайтирилишига катта ҳиссасини қўшиши, ва бунинг натижасида “Хемобен” нейтрал полимернинг барқарор гемостатик самараси, ҳамда шаклланган пардани инфилтратив яллиғланиш жараёнларисиз биодеградацияси, шиш регресси ва маҳаллий гемодинамика яхшиланиши, нейронларнинг дистрофик ва некротик ўзгаришларини камайиши туфайли, мия жароҳати ёки эпидурал тузилмалардан қон кетишларида ушбу препаратни қўллаш афзалликларидан фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бош миянинг паренхимали ва қобикли қон қуйилишларида гемостазнинг ишлаб чиқилган усули, “Хемобен” кукунини полимеризацияланиши ҳисобидан яра юзасида яримшаффоф пардани шаклланиши билан тавсифланиб, маҳкам адгезияни, ҳамда, бегона жимс ва унинг биодеградация маҳсулотларига жавобан реактив яллиғланишсиз репаратив жараёнларни яхшиланишини таъминлаш, паренхимали қон кетишнинг шиддатини анча пасайтириш, гемостаз учун қўшимча воситаларни қўлланилишига эҳтиёжни камайтириш, гемостаз босқичида ва ташриҳдан кейинги даврда қон йўқотиш ҳажмини ва давомийлигини қисқартириш, ва ушбу билан беморларнинг тиббий ва ижтимоий реабилитация муддатларини қисқартиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Травматик интракраниал қон кетишларда ташриҳ вақтида маҳаллий гемостазнинг самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: бош мия жароҳатларида “Хемобен” нейтрал биополимери жароҳат юзасида гемостатик таъсирни таъминлайдиган юпка порлоқ қобик ҳосил қилиб, ёт жисм ва биодеградация маҳсулотларига жавобан реактив яллиғланиш жараёнисиз жароҳат маҳаллий репарациясини яхшилаши морфологик ва клиник жиҳатдан асосланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 январда б1-04/у-сон билан тасдиқланган «Бош мия паренхимаси ва пардаларидан қон кетишда маҳаллий гемостаз усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур тақлиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 16.02.2024 йилдаги 39/1-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 16.02.2024 йилдаги 40-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/41-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: маҳаллий маҳсулотлардан ишлаб чиқилган воситани қўллаш асосида паренхиматоз ва мия қобикларидан қон кетишларнинг дастлаб жадаллигини сезиларли камайтириб, бир этапли абсолют гемотазга эришилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: интракраниал бош мия гематомаларни олиб ташлаш операциясидан сўнг қайта қон қуйилиш ва реактив яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган асоратларни камайиши - ўпка сунъий аппаратини узоқ муддат давомида ишлатиш, дори-дармон билан таъминлаш, давомий реабилитация ва ногиронлик юзасидан доимий ижтимоий таъминлаш билан боғлиқ харажатларни камайтирди. Хулоса: экспериментал тадқиқотлар билан асосланган илмий янгиликни амалиётга тадбиқ этилиши қайта қон қуйилиш ва реактив яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган асоратларни ва асорат билан боғлиқ сарф харажатларни камайтиради.

иккинчи илмий янгилик: клиник текширув усуллари ва жарроҳлик даволаш натижалари сифатини таҳлил қилиш имконини берувчи махсус тадқиқотлар

ёрдамида травматик интракраниал қон кетиш фонида юзага келадиган бош мия жароҳатлари бўлган беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 январда бi-04/у-сон билан тасдиқланган «Бош мия паренхимаси ва пардаларидан қон кетишда маҳаллий гемостаз усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 16.02.2024 йилдаги 39/1-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 16.02.2024 йилдаги 40-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/41-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бош мия жароҳатлари бўлган беморларни даволашнинг ишлаб чиқилган алгоритмидан фойдаланиш асоратлар сони ва ногиронлик эҳтимолини камайтириш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: операциядан кейинги даврда сўрдирувчи, антиконвульсив, антибактериал терапия билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларни иқтисод қилишга эришилган. Хар бир бемор кесимида 300000 сўмдан 600000 сўмгача маблағ тежалишига эришилган. Хулоса: гемостатик хусусиятларнинг бир хафта мобайнида сақланиб қолиши ташрихдан кейинги артериал гипертензия эпизодларида ишончли гемостазга, биодеструкциянинг йирингли жараёнларсиз ва чандиксиз кечиши, бу ўз ўрнида гистоархитектоник қатламларни эрта тикланишига, неврологик дефицит ривожланиши, ногиронликни олдиниш олиш, дори-дармон билан боғлиқ сарф харажатларни камайтиришга имкон берган.

учинчи илмий янгилик: амалга ошириш қулайлиги билан тавсифланувчи ва шошилич ёки режали операциялар пайтида нейрохирургия амалиётида фаол қўлланилиши мумкин бўлган бош миянинг паренхиматоз ва қобикли қон қуйилишларини маҳаллий гемостаз қилиш усули ишлаб чиқилганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 январда бi-04/у-сон билан тасдиқланган «Бош мия паренхимаси ва пардаларидан қон кетишда маҳаллий гемостаз усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 16.02.2024 йилдаги 39/1-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 16.02.2024 йилдаги 40-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/41-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган усулдан фойдаланиш гемостазнинг барча этаплари давомийлигини $8,1 \pm 4,9$ дақиқадан $4,9 \pm 1,9$ дақиқাগача қисқартириб ($t=5,83$; $p<0,05$), қон кетиш хажмини $70,2 \pm 16,6$ мл.дан $54,4 \pm 15,1$ мл.гача камайтирган ($t=6,77$; $p<0,05$). Бу ўз навбатида даволаш натижалари ва бемор хаёт сифатини яхшилашга имконият яратган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилган усулнинг иқтисодий самарадорлиги хар бир бемор даволаш курсига 3 532 500 сумни ташкил этган. Хулоса: маҳаллий махсулотлардан ишлаб чиқилган воситани қўллаш асосидаги

травматик интракраниал паренхиматоз ва мия қобиқларидан қон кетишларда гемостаз усули даволаш натижалари ва бемор ҳаёт сифатини яхшилайти ва ҳар бир бемор даволаш курсига 3 532 500 сумни иқтисод қилади.

тўртинчи илмий янгилик: травматик интракраниал қон кетишда жарроҳлик даволаш натижаларини баҳолаш мезонлари (қон кетиш интенсивлиги, интраоператив гемостаз давомийлиги, умумий қон йўқотиш ҳажми, операциядан кейинги ярадан ажралмалар миқдорининг камайиши, реанимация бўлимида қолишнинг қисқариши, мия эзилишининг нейровизуализацион белгиларининг йўқлиги) аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 январда б1-04/и-сон билан тасдиқланган «Бош мия паренхимаси ва пардаларидан қон кетишда маҳаллий гемостаз усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур тақлиф Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 16.02.2024 йилдаги 39/1-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 16.02.2024 йилдаги 40-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/41-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ушбу баҳолаш мезонларидан фойдаланиш қайта қон куйилиш ва реактив яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган асоратларни камайтириб, интракраниал бош мия гематомалар билан бош мия жароҳатларда ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: операциядан кейинги даврда дори-дармонларга қўшимча сарф-харажатларни бир бемор учун ўртача 578000 сўмга тежашга имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш қўшимча сарф-харажатларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=88) 50 864 000 сўм маблағлар тежалишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодалаб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти

келтирилган, иш натижаларини апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Травматик интракраниал қон қуйилишлар билан бош мия жароҳатларида замонавий тушунчалар”** деб номланган биринчи бобида мия шикастланишларида гемостаз муаммосининг ҳозирги ҳолати ва турли тадқиқотчиларнинг унга оид нуқтаи назарлари акс эттирилган адабиётлар шарҳи келтирилган. Операциядан кейинги қон кетиш пайтида гемостазнинг мураккаблиги, асоратларнинг олдини олиш, ўлим ва ногиронлик билан боғлиқ асосий муаммолар таъкидланган.

Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг истиқболли йўллари, жумладан, самаралироқ усулларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва экспериментал тадқиқотларнинг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар ва усуллар батафсил таърифлаб берилган. Олдинга қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун тадқиқот қуйидаги икки йўналишга ажратилган:

Экспериментал қисм:

- Мия жароҳатидан қон кетиши пайтидаги тажрибада “Хемобен” препарати ва коллагенли шимғичнинг гемостатик самараларини баҳолаш;

- “Хемобен” препарати ва коллагенли шимғични мия тўқимаси билан ўзаро ҳаракатларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш;

Клиник тадқиқот:

- Клиник нейрожарроҳлик учун бош миянинг паренхимали ва қобикли қон қуйилишларда гемостаз усулини ишлаб чиқиш;

- БМЖ бўйича ташриҳларда гемостазнинг самарадорлигини клиник жиҳатдан баҳолаш.

Тадқиқотга 2019 йилдан 2023 йилнинг март ойигача бўлган давр мобайнида жароҳатдан кейин дарҳол, ёки санитария авиацияси йўналиши (“САС”) бўйича Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг (РШТЎИМ АФ) “Шошилич нейрожарроҳлик” бўлимига олиб келинган, ўткир бош-мия жароҳатини олган 184 нафар беморлар киритилиб, улар шартли иккита гуруҳга ажратилган: асосий гуруҳга 2022 йилдан 2023 йил март ойига қадар БМЖ-ни жарроҳлик даволашда маҳаллий гемостазнинг ишлаб чиқилган усули қўлланилган 88 нафар беморлар, қиёслаш гуруҳини эса 2019-2021 йиллар даврида ташриҳ пайтида гемостазнинг анъанавий усуллари, шу жумладан, электрокоагуляция, клиплаш, гемостатик коллагенли шимғич, ва бошқ. қўлланилган 88 нафар беморлар ташкил қилган.

Қуйидаги экспериментал-морфологик тадқиқотлар бажарилди: клиник нейрожарроҳлик учун бош миянинг паренхимали ва қобикли қон қуйилишларда гемостаз усулининг экспериментал моделини ишлаб чиқиш; тадқиқотнинг экспериментал гуруҳларида “Хемобен” препарати гемостатик самарасини баҳолаш. Шу билан бирга “Хемобен” препарати ва коллагенли шимғични мия тўқимаси билан ўзаро ҳаракатларининг морфологик хусусиятлари баҳоланди.

Ташҳислаш ва жарроҳлик даволаш натижаларини баҳолаш учун, текширувнинг эскирган мажмуи билан бир қаторда замонавий усуллар, шу жумладан, нур ташҳисот ва лаборатор усуллари қўлланилди. Олинган натижаларга статистик ишлов берилиб, олинган натижаларнинг ишончлилигига алоҳида эътибор қаратилган.


БМЖ бўйича ташриҳларда бош миянинг паренхимали ва қобиқли қон қуйилишлар учун ишлаб чиқилган гемостаз усули ташриҳ пайтидаги гемостаз ва ташриҳдан кейинги даврнинг давомийлигини анча қисқартириш имконини берди.

Диссертациянинг **“Травматик интракраниал қон қуйилиши ташхисланган бош мия жароҳатларини қиёсий тавсифи (мустақил тадқиқот натижалари)”** деб номланган учинчи бобда диагностика ва даволаш тадбирларини қиёсий таҳлили ўтказилган. Тадқиқот иши фақат травматик интракраниал қон қуйилиши сабабли турли ташриҳларни ўтказган бош мия жароҳатлари бўлган беморларни ўз ичига олган. Иккала қиёсланадиган гуруҳларда декомпрессив трепанация (ДТ), суяк-пластик трепанация (СПТ), ҳамда ДТ ва СПТ элементларини ўз ичига олган бирламчи жарроҳлик ишлови (БЖИ) ўтказилинган. Олинган натижаларга асосланиб, иккала қиёсланадиган гуруҳларда қиёсий таққослашга нисбатан бир хил фоизда операциялар бажарилганлиги аниқланган, шундан қиёсий гуруҳда 79,2% (76 бемор), асосий гуруҳда 77,3% (68 бемор) декомпрессив трепанация ўтказилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Тажрибада бош мия жароҳатлари сабабли интракраниал қон қуйилишларда “Хемобен” маҳаллий гемостатик препарати самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган. Унда гемостаз усулининг тажрибадаги самарадорлигини баҳолаш бўйича батафсил натижалар таърифлаб берилган.

Экспериментал ҳайвонлар сифатида каламушлар танлаб олиниб, улар 21 сука давомида кузатув остида бўлган. Уларнинг ҳаракатчанлиги, ҳамда ташқи кўзғатувчиларга бўлган реакциялари ҳисобга олинган. Каламушларнинг назорат гуруҳида 6-8-чи суткада ташқи кўзғатувчиларга тўғри таъсирланиш билан фаолликнинг бир оз пасайиши қайд этилди. Тажриба гуруҳида динамикада сезиларли ўзгаришларсиз – каламушлар фаол, ҳаракатчан, ташқи кўзғатувчиларга тўғри таъсирланадилар.

Баён этилган услубиётга кўра, изофлюран буғлари орқали умумий анестезия остида ҳайвонлар, оёқлари икки томонга ёзилган, қорнини пастга қаратиб мойил ҳолатда ётқизилган. Тери ва фасцияларнинг яримойсимон кесими бажарилиб бош тепа суяги яланғочланган. Трепанация тешигини шакллантириш учун 1,2 см диаметрли диски арра қўлланилиб, бош суяги тепа қисмининг ўнг яримида, узунлиги 1 см-гача ва бир биридан масофаси 0,7 см бўлган иккита жойларда бўйлама кесимлар бажарилган. Бундан сўнг москит жарроҳлик қисқичи ёрдамида суяк пластинкаси чиқариб олиниб катталиги 0,7x0,6 см бўлган трепанация тешиги шакллантирилган. Кейин, скальпель ёрдамида миянинг қаттиқ қобиғи ва моддаси 3 мм-гача бўлган чуқурликка кесилиб, бунда шиддатли аралаш венали қон кетиш қайд этилди (1-расм).



1-расм. Назорат гуруҳи. Бош суяги трепанацияси. Мия қаттиқ қобиғи ва моддасининг шикастланиши. Қон кетиши.

Докали шарчалар орқали икки мартабали қуритишдан сўнг ярага, катталиги трепанация тешигига мос келадиган стерил гемостатик коллагенли шимғичнинг қисми қўйилган. Қон кетишини коллагенли шимғич ёрдамида тўхтатилиши уни қон билан шимдириб, шимғичнинг қон оқаётган юзадаги паст адгезивлиги туфайли тўқимага компрессиялаш йўли билан амалга оширилди.

Ташрихдан кейин 15-20 дақиқа ўтгач ҳайвонлар ўйғониб ҳаракатланишни бошлаганлар. Овқатланиш кейинги суткадан бошлаб амалга оширилган. Оғриқсизлантириш учун, таблетка шаклидаги ибупрофен аралаштирилган ичимлик суви қўлланилган. Динамикада тадқиқот 1-чи суткадан бошланган.

3-чи суткада назорат гуруҳи ҳайвонлари пастроқ фаолликни намоён қилган, суст бўлган, озуқани ёмон қабул қилган. Жароҳат кўздан кечирилганида оғриқлик ва чеккаларнинг инфильтрацияси қайд этилди (2-расм).

Ташрихдан кейинги 7-чи суткада ҳайвонлар суст, бир оз тормозланган бўлиб қолмоқда. Озуқани кам еди, жароҳат соҳаси оғриқли.



2-расм. Назорат гуруҳи, 3-чи сутка. Гемостатик шимғич. Терининг ташриҳдан кейинги жароҳати тоза, аммо жароҳатнинг остки қатламлари инфильтрацияланган.

7-чи суткада тажрибадан чиқариш, жароҳатнинг йирингли яллиғланишини мавжудлигини, бармоқлар билан босганида тери чоклари орасида ўзига ҳос ҳийдли йирингли масса ажратилишини аниқлаш имконини берди. Чоклар ечилганида ва трепанация тешигининг соҳаси очилганида, таркибида коллагенли шимғич парчалари бўлган шаклланган абсцесс аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, мия тўқимасидан гемостазга эришиш учун гемостатик коллагенли шимғични қўлланилиши талаб этилаётгансамарани таъминлаган бўлсада, оқибатда жароҳатни инфекцияланишига ва яллиғланиш жараёнини мия тўқимасига тарқалишига олиб келган, бунинг устига мазкур тенденция қон кетишини тўхтатиш босқичидан кейин 14-чи суткага қадар кузатилди.

Ҳайвонларнинг тажриба гуруҳида фаол қон кетиши билан мия жароҳати моделини шакллантириш жараёни, лаборатор экспериментал ҳайвонларга инсонпарварча муносабатда бўлиш талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилган.

Назорат гуруҳидаги каби, ҳайвонларнинг энса суяги проекциясида кўндаланг йўналишда ва яримойсимон шаклда тери кесилган. Тери-фасция қийқими юқорига ажратилганидан сўнг бошнинг тепа суяги яланғочланган. Унинг ўнг қисмида фреза ёрдамида катталиги 7х6 мм бўлган трепанация тешиги шакллантирилган. Сўнг, скальпель учи билан миянинг қаттиқ қобиғи трепанация тешиги катталигига мос келадиган катталиқда кесилиб мия моддаси жароҳатнинг бутун юзаси бўйлаб 2-3 мм чуқурликда шикастланган. Бунда фаол аралаш қон кетиши кузатилди.

Гемостаз “Хемобен” кукуни ёрдамида, дастлаб тўпланган қондан қуриштирдан кейин амалга оширилди. Аксарият ҳолларда Хемобен кукунининг 30 мг қон кетишини 1 дақиқа ичида тўхтатиш учун етарли бўлган (3-4-расм).



3-расм. Миянинг қаттиқ қобиғи ва моддасининг томирларидан фаол қон кетиши.



4-расм. Қонаётган жароҳатга 40 сония давомида гемостаз билан Хемобен кукунини сепиш.



Бунда қон томонидан кукунни тўлиқ сингдирилиши кузатилмаган. Ажратилган тери қийқимини жароҳат юзасига қўйиш натижасида тўқима суюқлиги томонидан Хемобен кукунини сингдирилиши ярим шаффоф пардани ҳосил бўлишига олиб келди (5-расм). 5 дақиқа давомида кузатилганида қон қетишининг қайтарилиши қайд этилмади (6-расм).



5-расм. Тажриба гуруҳи. Хемобен кукуни ёрдамида ташриҳ жароҳати соҳасидан гемостаз 5 дақиқадан кейин.



6-расм. Тажриба гуруҳи. Хемобен кукуни солинганидан кейин дақиқа ўтгач жароҳат юзасида ярим шаффоф пардани ҳосил бўлишининг бошланиши.

Иккита ҳолатда кавернозли синусни шикастланиши ва қонни фаол келиб тушиши кузатилди. Ушбу ҳолатларда кукун миқдори 2 баробарга оширилган, жароҳат чеккалари эса докали шарчалар ёрдамида босилган. Тўлиқ гемостазга 1,5 дақиқа давомида қон қетишининг қайтарилишисиз эришилган.

Ташриҳ тери жароҳатини алоҳида тугунли чоклар ёрдамида тикиш билан яқунланган. Ташриҳдан кейинги даврда ҳайвонлар ўйғониб, уларнинг ҳатти-харакатлари назорат гуруҳи ҳавонлариникига ўхшаш бўлган. Оғриқсизлантириш ҳам ибупрофен таблеткалари ёрдамида бажарилган.

Ташриҳдан кейин 1 сутка ўтгач ҳайвонлар фаол, уларни қўлга олганида фаол таъсирланадилар. Тери жароҳати тоза, инфекцияланиш, ёки қон тўпланиши, ёки гематома аломатлари мавжуд эмас. Ҳайвонлар тажрибадан чиқарилган сўнг тери чоклари ечилди. Тери қийқими четга олинганида трепанация тешигининг соҳаси кўринади. Инфекциялаш ва тўқималарнинг яллиғланиши кузатилмади. Мия тўқимаси тешиқдан бир оз бўртиб чиққан, унинг юзаси ялтироқ Хемобен пардаси билан қопланган. Гематомалар ва қон томонидан моддани имбибициялаш белгилари аниқланмади.

Ташриҳдан кейинги 3-чи суткада ҳайвонлар фаол, физиологик ажралмалар меъёрда. Қўзғатувчиларга фаол таъсирланадилар. Тери жароҳати тоза, чоклар яхши жойлашган.

Тажриба гуруҳи ҳайвонлари экспериментдан чиқарилганидан сўнг тўқималар инфекцияланишининг белгиларини йўқлиги аниқланди. Мия жароҳати соҳасида ва атрофдаги тўқималарда ажратилган нарсалар мавжуд эмас, бир оз шиш аниқланмоқда. Гистологик тадқиқотлар учун биопсия олинди. Ташриҳдан кейинги 7-чи суткада тажриба гуруҳи ҳайвонлари фаол, физиологик ажралмалар ва ҳатти-харакатлари соғломларникидан фарқланмайди. Тери жароҳати тоза, зич ва оғриқсиз пўстча мавжуд.

Тажрибадан чиқарилганидан сўнг тери чоклари ечилди, жароҳатни инфекцияланиш белгилари аниқланмади (7-расм).



7-расм. Тажриба гуруҳи. Хемобен ёрдамида гемостаздан кейин 7-чи сутка. Ташриҳдан кейинги жароҳат пўстча билан қопланган, теридаги чоклар кўринади.

Трепанация тешиги соҳаси инфекцияланиш белгиларисиз, тўқималар ҳаётчан, ялтироқ. Юпқа фибрин пардаси билан қопланган мия тўқимаси трепанация тешигидан бўртиб чиққан. Шиш мўътадил. Миянинг бошқа соҳалари кўринадиган макроскопик ўзгаришларсиз.

14-суткада трепанация тешиги соҳаси инфекцияланиш белгиларисиз. Мия тўқимаси трепанация тешиги даражасидан пастроқда жойлашган, ялтироқ парда билан қопланган. Кавшарланиш жараёни ифодаланмаган, мия шиши белгилари мавжуд эмас.

Экспериментал тадқиқотлар маълумотларига кўра, бошнинг тепа суягини трепанацияси билан миянинг қаттиқ қобиғини ва моддасини шикастланиши ифодаланган венали қон кетишига олиб келади. Ҳайвонларнинг назорат гуруҳида гемостатик коллагенли шимғични қўллаш, узоқ вақтли маҳкамлаш ва қон кетишини 2 дақиқадан ортиқ вақт ичида бутунлай тўхтатишни тақозо этган. Хемобен кукуни қўлланган ҳолатда эса гемостаз анча тезроқ, яъни, 40 сония давомида амалга оширилган. Бироқ, шуни ҳисобга олиш лозимки, йирик венали томирлар шикастланганида гемостатик препаратларнинг оддий дозаси етмай қолиши мумкин. Коллагенли шимғич қўлланилган ҳолатда қопламани 3 марта алмаштириш керак бўлди, Хемобендан фойдаланилганида эса қўлланилаётган кукун миқдори икки баробарга оширилган. Ташриҳдан кейинги даврдаги салбийроқ кечиш ҳайвонларнинг тажриба гуруҳида кузатилди, чунки Хемобен гемостатик кукуни камроқ миқдорларда ўз самарасини беради, ҳамда кукунни сингдириш жараёни тўқималарнинг яллиғланиш реакцияси билан кечмайди. Жароҳатни битиши ва мия шишини йўқолиши ташриҳдан кейин 7-13 сутка мобайнида пайдо бўлади. Гемостаз жараёнида коллагенли шимғичнинг ҳажми анча каттаяди ва сингдириш даври узоқ вақтга чўзилади, бунинг натижасида иккиламчи инфекцияни кўшилиш ҳавфи вужудга келади, бундан ташқари, битиш жараёни 21 сутка ва ундан ортиққа чўзилади.


Морфологик тадқиқотлар миянинг экспериментал жароҳатларида гемостаз бажарилганидан сўнг 3 суткадан бошлаб ўтказилган. Қиёслашнинг яққоллиги учун назорат ва тажриба гуруҳларидаги каламушлар миясининг кесиклари келтирилган.

Учинчи суткада жароҳати соҳасидаги асосий визуал белги, бу, шиш ва назорат гуруҳида гемостатик шимғични катталаниши бўлган. Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби, шимғич қатламлари орасидаги қоннинг гемолизацияланган тромботик элементлари, чунки микроскопия тадқиқотида, шимғич қатламлари орасида қон шаклий элементларидан иборат бўлган қон қуйқаларининг юпқа қатламларини мавжудлиги аниқланди (8-расм).


Бундан ташқари, шимғич ва жароҳат соҳасида аралаш таркибидаги қон қуйқаларининг қатлами мавжуд. Ушбу сабабли шимғич жароҳат соҳасидан баланд туриш ва жароҳатдан осон ажралишга мойил.

Назорат гуруҳида, лейкоцитлар девори билан ўралган некроз ҳудуди, миянинг юмшоқ тўқимасининг юпқаланиши, гемодинамикани бузилиши туфайли томирларнинг иккиламчи ўзгаришлари, нейронларни тўкилиш ҳудудлари сақланиб қолган.

Тажриба гуруҳида аксарият шикастланиш ҳудудидаги мия юмшоқ қобиғининг томирлари қонга тўла ва ривожланган стаз кузатилмоқда. Қатламларда турли қон аъзоларидан иборат бўлган тромб қатламлари кузатилмайди. Томирлар қон билан етарлича тўлдирилган, мия моддасининг ҳолати қандайдир қўпол морфологик ўзгаришларсиз. Сусти ривожланган шиш. Қатламларда мия тўқимасининг хужайравий қатламлари аниқ дифференцияланмоқда (9-расм).




8-расм. Гемостатик губканинг қатламлари. Мономорф қатламлар орасида турли қон яратувчи аъзолардан иборат бўлган қон қуйқалари аниқланмоқда. Назорат гуруҳи. 3-чи сутка. ЁМ. Г-Э. 10x2.




9-расм. Бош мия ва миянинг юмшоқ қобиғининг шикастланиш ҳудуди. Шиш қаватма-қават. Қон томирлар кенгайган, ҳар ҳил катталиқда. Айримларда стаз белгилари камроқ ифодаланган. Назорат гуруҳи. 3-чи сутка. ЁМ. Г-Э. 10x2.

Еттинчи суткада назорат гуруҳида некроз, инфильтрация, кареопикноз ҳудудлари, нейронларни тўкилиши, шиш қайд этилган. Пўст кесимида нейронлар гиперхромли, кичрайган, переваскуляр ва перенейронал майдонлар катталашган, шиш ва дистрофия кузатилмоқда. Ён қоринчаларнинг томирларида гемодинамика бузилиши, шиш, переваскуляр майдонларни кенгайиши.

Тажриба гуруҳида бундай ўзгаришлар камроқ ифодаланган (10-А ва Б расм).



А. ЁМ. Г-Э. 10x2.




Б. ЁМ. Г-Э. 10x4.

10-расм. А. Шикастланиш ҳудудидаги мия қатламлари ва мия қобиқларининг юмшоқ тўқималари.


Б. Миянинг юмшоқ қобиғи томирларида сақланаётган стаз. Мия қатламларида суст дистрофик ўзгаришлар. Суст дистрофик шиш.

Тажриба гуруҳи. 7-чи сутка.

Қоринчаларнинг томирлар маташуви: назорат гуруҳида томирларнинг қонга тўлдирилиши аниқ етарли эмас, переваскуляр шиш. Тажриба гуруҳида томирлар гиперемизацияланган (11- А ва Б расм, 12- А ва Б расм).




А.




Б.

11-расм. А. Бош мия ва мия қобиғи жароҳатининг ҳудуди. Б. Томирларни кенгайиши, периваскуляр диapedез ва шиш. Назорат гуруҳи. 7-чи сутка. ЁМ. Г-Э. 10x4.



А.



Б.

12-расм. А. Бош мия ва мия қобиғи жароҳатининг ҳудуди. Б. Томирларда стаз ва суст периваскулярли диapedез ривожланди. Тажриба гуруҳи. 7-чи сутка. ЁМ. Г-Э. 10x4.

15-чи суткада назорат гуруҳида: некроз ҳудудлари атрофида лейкоцитли инфильтрат. Молекуляр қатламда – ифодаланган вакуолизация, кареопикноз, ҳужайралар миқдорини камайиши. Гемодинамика бузилиши натижасида иккиламчи гематомалар.

Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби, асосан, жароҳати ҳудудида шикастланган, қон гемостатик шимғич ёрдамида тўхтатилган томирлардан такроран қон қетиши билан боғлиқ. Гемостатик шимғичнинг қон тўхтатиш хусусияти шикастланиш ҳудудидаги томирларни босиб олиш ҳаракати билан белгиланган. Шунинг учун, ушбу самара йўқолганида иккиламчи гематомалар қайта ҳосил бўлишлари мумкин.

Тажриба гуруҳида суст дистрофик ўзгаришлар аксарият ҳолларда жароҳати ҳудудидаги мия тўқимаси қатламларида рўй беради. Гемостаз белгилари, яъни, томирлар ичидаги стаз ва сладж, жароҳат ҳудудида шикастланган миянинг юмшоқ қобиқлар томирларида сақланиб келмоқда. Шикастланган қатламларнинг қайта тикланиши бошланди.

Тажриба гуруҳида шикастланиш ҳудудида тўқималарнинг регенерацияси аниқ кузатилмоқда. Бош мия юмшоқ қобиқларининг шикастланган ҳудудларида янги қон томирлар пайдо бўлмоқда. Ушбу даврда яллиғланишнинг пролифератив жараёнлари устунлик қиладилар.

Ўтказилган морфологик тадқиқотларнинг натижаларини умумлаштираётиб, қуйидагиларни таъқидлаш мумкин. Планиметрик маълумотларнинг таҳлили кўрсатишича, Хемобен кукунини қўллаган ҳолда гемостаз пролифератив жараёнларга ижобий таъсирни ўтказади.

Назорат гуруҳида нурли микроскопия қон қуйилиши, периваскуляр ва перинейронал майдонларнинг шиши, ликвородинамика бузилишлари, нейронларнинг некробиотик ўзгаришлари, уларнинг усимтларини йўқолишини кўрсатди. Кейинчалик ишлайдиган капиллярларнинг сони кўпаяди, нейронлар ва глиа хужайраларининг нисбати иккинчилар фойдасига ўзгаради.

Тажриба гуруҳида, Хемобен гемостатик самарасининг тузилмавий асослари ролини, биринчи навбатда, узил-кесил гемостаз, ва, микромирларнинг кенгайишида ва, эндотелиоцитларнинг пролифератив фаоллиги ҳисобидан, тезлаштирилган янги ҳосил бўлишда ифодаланадиган ўзгаришлар ўйнаши аниқланди.

Мия жароҳатида гемостатик шимғичнинг яраларни битишига ўтказётган таъсирининг айрим морфологик фарқлари қайд этилди. Гемостатик шимғич аппликациясига жавобан яллиғланиш реакцияси ва гематомаларни ҳосил бўлиш ҳодисалари кузатилган. Бунда йирик қон томирларда стаз кузатилмоқда, капиллярлар эса кенгайган. Хемобенни қўлланилиши тез гемостазга олиб келади, келгусида эса, гематомаларни йўқлигида-капиллярларнинг нисбий ҳажмини жиддий ўсишига, ва бу нарса микроайланманинг яхшиланишини тасдиқлайди. Иммунокомпетентли хужайралар, аксарият фагоцитларнинг миқдори кўпаяди.

Хемобен препарати ижобий самарасининг тузилмавий асослари, булар, биринчи ўринда, тез ва узил-кесил гемостаз, яллиғланиш реакциясини пасайиши, эндотелицитларнинг пролифератив фаоллиги ҳисобидан микромирларнинг тезлаштирилган ҳосил бўлиши. Бириктирувчи тўқиманинг морфологик ўзгаришлари, ҳам бириктирувчи тўқимали каркас, биринчи ўринда фибробластларнинг, ҳам макрофаглар, нейтрофиллар, плазматик хужайралар, эозонофиллар, ва, айниқса, семиз хужайралар каби хужайраларнинг тўсиқ-ҳимоя ва тартибга солувчи функцияларнинг мукамал тикланиши сифатида белгиланади.

Кўрсатилган ўзгаришлар, эртароқ муддатларда, яъни 3-5 суткаларда хужайраларнинг маҳсус функцияларини фаоллашишини тасдиқлайдилар. Гемостатик коллагенли шимғич қўлланилганида ушбу ўзгаришлар кечроқ муддатларда қайд этиладилар.

Диссертациянинг «Травматик интракраниаа қон қуйилишларда маҳаллий гемостаз усулини ишлаб чиқиш ва таклиф этилган гемостаз усулини клиник қўллашни биринчи тажрибаси» деб номланган тўртинчи

бобида биз томонимиздан ишлаб чиқилган усулнинг маълумотлари келтирилган.

Мазкур усул қуйидаги кетма-кетликда бажарилади.

Ташриҳнинг асосий босқичлари бажарилганидан сўнг, жумладан: краниотомия (декомпрессив ёки суяк-пластикали), ташриҳ режасига қараб, миянинг қаттиқ қобиғи кесилади ва миянинг қаттиқ қобиғини ёки паренхимасини қисиб олувчи гематомалар (эпи-, ёки субдурал, мия ичидаги) олиб ташланади.

Ҳар ҳил катталиқ (10 дан 80 см²- гача, ва ундан катта) ва шаклдаги ўзанни мавжудлиги аниқланади. Ўзан туби сифатида мия паренхимасининг геморрагик юмшайиш ўчоқлари бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, юмшайган мия тўқимасидан (лат ейиш ҳудуди) геморрагияларни ҳосил бўлиши, ташриҳдан кейин миянинг қаттиқ қобиғидан қон кетиши, томирлар деворларини узилиши туфайли арзимас венали қон кетиши, шунингдек мия паренхимасидан қон кетишининг катта эҳтимоли мавжуд.

Мия шикастланишининг қонаётган ҳудудига 10 см² учун 70 мг доза ҳисобидан 3-5 мм қалинликда Хемобен кукуни қўйилади (фаол қон кетишида эса кукун солинган жароҳат юзасини куруқ салфетка билан босиб олинади, то қон кетиши тўхтагунга қадар), ва бу нарса, мия жароҳатининг юзасига маҳкам адгезияланган гемостатик ярим шаффоф пардани шаклланишини тезлаштиради.

